

# ХОРИЖИЙ ТИЛ СЎЗ БОЙЛИГИГА ТИЛ БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРИ ДОИРАСИДА ЁНДАШИШ ЗАРУРАТИ (НЕМИС ТИЛИ МИСОЛИДА)

Мамарасулов Д.Х.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, PhD

**Калит сўзлар:** сўз бойлиги, стандартлар, луғатлар, луғавий бирликлар, тил компетенциялари, ўқитиш ва баҳолаш, сўзлар, сўз бирикмалари, луғавий минимум, CEFR.

**Аннотация:** ушбу мақолада тил ўрганувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, уларнинг сўз бойлигини баҳолаш жараёнида халқаро стандартларнинг роли ва амалий аҳамияти ҳақида сўз боради.

**Ключевые слова:** словарный запас, стандарты, словари, лексические единицы, языковые компетенции, обучение и оценка, слова, словосочетания, лексический минимум, CEFR.

**Аннотация:** в данной статье идет речь о роли и практической значимости международных стандартов при расширении словарного запаса обучающихся, а также при оценке их словарного запаса.

Ҳар бир тилнинг луғавий бойлигини луғавий бирликларнинг ишлатилиш суръатига қараб шартли равишда бир нечта қатламга бўлиш мумкин. Турли тиллар бўйича ишлаб чиқилган энг кўп ишлатиладиган сўзлар луғатлари бу масалага амалий ва конструктив ёндашув мавжудлигини билдиради.

Шартли равишда бир тилда юз минг сўз ва сўз бирикмалари мавжуд деб оладиган бўлсак, тил эгалари шу луғавий бойликдан 1 ёки 2 фоизи кундалик турмушда ҳар куни фойдаланилиши мумкин. Шу тарзда, луғавий бирликларнинг қўлланилиш суръати, яъни қўлланилиш частотаси тескари пропорцияда камайиб бораверади. Масалан, шартли равишда, қайсидир тилда 1-2 фоиз луғавий бирлик ҳар куни қўлланилса, 10-20 фоиз луғавий бирлик қўлланилиш суръати 1 ойда бир мартага, 40-50 % луғавий бирлик қўлланилиш частотаси 1 йилда бир мартага тўғри келиши мумкин.

Қолган луғавий бирликлар фақат маълум соҳаларда қўлланилиши, айримлари эскирган сўз ва сўз бирикмалари тоифасига кириши, баъзиларининг қўлланилиши локал хусусиятга эга (масалан, шевага оид сўзлар) ёки тил эгаларининг ёш категорияси бўйича (масалан, сленглар) чегараланиши мумкин.

Масаланинг амалий жиҳатига қайтадиган бўлсак, хорижий тилларни ўргатувчи мутахассислар, мустақил тил ўрганувчилар, оғзаки ва ёзма таржима билан шуғулланувчи мутахассислар, тил ўрганувчиларнинг билимини баҳолаш бўйича мутахассислар каби шахслар учун луғавий бирликларнинг қўлланилиш частотаси муҳим аҳамиятга эга.



+

Луғатшунослик нуқтаи назаридан ҳам, хорижий тиллар бўйича ҳажм жиҳатдан чегараланган луғат ва сўзлашгичларни шакллантиришда сўз ва бирикмаларнинг қўлланилиш частотаси асосий мезон бўлиши лозим.

Европа тиллари мисолида кўрадиган бўлсак, тилларни ўргатиш ва ўрганиш бўйича материаллар, ўқув адабиётлари, аудио-видео материаллар оғзаки нутқ, эшитиб тушуниш, ўқиб тушуниш ва ёзма нутқ компетенциялари бўйича даражаларга бўлиниб, уларни стандартлаштириш жараёни анча такомиллашганини кўришимиз мумкин. Масалан, IELTS стандарти бўйича инглиз тили, CEFR стандарти бўйича эса, Европа Иттифоқидаги деярли барча тиллар қамраб олинган. Сўнгги йилларда ўзбек тили билимларини ҳам CEFR стандартларига мувофиқ ўқитиш ва баҳолаш бўйича амалий ишлар кўзга ташланмоқда.

Бирор тил бўйича билим бериш ва билимни баҳолаш комплекс жараён бўлиб, бу жараёнда оғзаки нутқ, эшитиб тушуниш, ўқиб тушуниш ва ёзма нутқ компетенциялари грамматик билимлар ҳамда сўз бойлиги даражасини ҳам ўз ичига олади. Мисол учун, немис тили билимларининг CEFR стандарти бўйича баҳоланишида юқоридаги нутқ компетенцияларини баҳолашда имтиҳон топширувчи шахс томонидан топширилган ёзма имтиҳонда қўлланилган сўзларнинг сони ва сифати ҳам текширилади. Шу билан биргаликда, CEFR бўйича ишлаб чиқилган ёки бу стандартга мослаштирилган немис тили бўйича ўқув адабиётларида сўз бойлиги ҳар бир босқичдаги мавзулар доирасида, шунингдек, сўзларнинг нутқ жараёнидаги қўлланилиш частотаси бўйича чегараланган.

Германиядаги нашриётларда чоп этилиб, бутун дунёда немис тилини ўргатишда муваффақиятли қўлланилиб келинаётган Menschen, Themen aktuell, Schritte, Em neu, Mittelpunkt, Mit Erfolg, Ziel, Begegnungen каби кўплаб комплекс адабиётлардаги мавзулар CEFR стандарти доирасида меъёрларга солинган.

Themen aktuell адабиётлар комплексини оладиган бўлсак, унинг асосий ўқиш китоби (Kursbuch) A1 ва A2 даражалари бўйича нашрларида 10 тадан мавзу берилган бўлиб, ёзув дафтари (Arbeitsbuch)да ҳам айна мавзулар бўйича машқлар билан бир қаторда, ҳар бир мавзуга тегишли сўз бойлиги мавзунинг бошида келтириб ўтилган [1].

Германияда нашр этилган адабиётлар бутун дунё мамлакатлари учун ягона форматда ишлаб чиқилиб, норасмий равишда бир қатор давлатларда улардаги сўз бойликлари шу давлатнинг асосий тили иштирокидаги икки тилли луғатлар кўринишига келтирилган ҳолатлар мавжуд.

Хорижий тил машғулотида таълим берувчининг у томонидан фойдаланилаётган материалларни аъло даражада ўзлаштирилган бўлиши, ўтиллаётган мавзу юзасидан юқори даражада тил билимига эга бўлиши лозимлиги шубҳасиз. Шундай бўлса-да, икки тилли луғатларни шакллантириш, ҳеч бўлмаганда ўргатилаётган тилдаги мавзу бўйича луғавий бирликларнинг ўрганувчилар она тилисидаги муқобилини тўғри танлаш лексикографик билим ва кўникмаларни талаб қилади.

Умуман олганда, замонавий тил ўқитиш методлари мавзуларни максимал даражада тил ўрганувчиларнинг она тилисига боғламаган ҳолда ўргатишни тақозо қилади. Шунга қарамай, тил ўрганувчилар ўзлари ўзлаштираётган луғавий бирликларнинг мазмунини тўлиқ идрок қилишида, ҳеч бўлмаганда, бошланғич даражаларда икки тилли луғатлардан фойдаланилиши самаралироқ кечади. Ўрта даражадан бошлаб, айниқса, юқори даражаларда, тил



+

ўрганувчиларнинг кўпроқ бир тилли изоҳли луғатлардан фойдаланиши ўрганиш жараёнининг самарасини салмоқли даражада ошириши шубҳасиз.

Немис тилидаги изоҳли луғатларга Hueber Verlag GmbH, Cornelsen Verlag GmbH (Duden луғатлар серияси), PONS Langenscheidt GmbH каби нашриётларнинг машҳур изоҳли луғатларини, DWDS (Digitales Wörterbuch der deutschen Sprache) онлайн луғати кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу каби нашриётлар томонидан катта ҳажмдаги универсал луғатлар билан бир қаторда, мавзуй луғатлар, хусусан соҳалар бўйича сўз бойлигини қамраб олувчи атамалар луғатлари ҳам нашр этилган бўлиб, немис тилини юқори даражада касбга йўналтирилган ҳолда ўргатишда кенг миқёсда улардан маълум даражада фойдаланиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда немис тилини ўрганишга эҳтиёж ортиб бораётганлигини инобатга олиб, бу тил бўйича халқаро стандартлар доирасида немисча-ўзбекча луғатлар ишлаб чиқилиши, қолаверса, юқори даражада касбга йўналтирилган ҳолда тил ўргатиш учун алоҳида соҳалар бўйича атамалар луғатлари яратилиши учун эҳтиёж ортиб бормоқда.

Луғатларни шакллантиришда икки тилда юқори билим, таълим жараёнидаги тажриба, қолаверса, лексикография бўйича бир қадар кўникмаларга эга бўлган мутахассислар ташаббус кўрсатиши, зарур ҳолларда ҳамкорлик қилган ҳолда луғатларни шакллантиришлари мақсадга мувофиқ.

Луғатлар тузиш бўйича амалий кўникма билан бир қаторда, луғат тузувчи мутахассислар назарий лексикография бўйича ҳам чуқур билимга эга бўлишлари муҳим ҳисобланади. Бу борада бир қатор олимлар ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Жумладан, .....

Хулоса қилиб айтганда, юзага келган ва ортиб бораётган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш ва баҳолаш бўйича халқаро стандартлар доирасида луғатлар яратиш зарурати ортиб бормоқда. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, соҳа мутахассислари қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишда фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

тил компетенциялари даражалари доирасида медиалуғатлар, мавзуй луғатлар (жумладан соҳавий атамалар луғатлари) ва изоҳли луғатлар ишлаб чиқиш;

Германиядаги нашриётлар томонидан нашр этилган немис тилини ўргатишга мўлжалланган мавжуд адабиётларнинг сўз бойлиги қисми (Wortschatz)ни ҳамкорликда немисча-ўзбекча шаклга келтириш;

материални тил компетенциялари даражаларига ажратганда, сўзларнинг қўлланилиш частотасини инобатга олиш;

луғатларда сўзларнинг маъноларини тегишли даража доирасида чегаралаш;

тегишли даражадан келиб чиқиб, грамматик қоидаларга мисоллар илова қилиш;

грамматик қоидалар терминологиясини академик даражада мураккаблаштирмасдан, балки таълим олувчиларнинг тил компетенциялари ривожланишига хизмат қиладиган шаклда, тегишли тил компетенциялари даражасида содда, тушунарли ва амалий кўринишда келтириш;

мисолларни келтиришда аутентик материаллардан фойдаланиш;



+

соҳага доир атамалар луғатларида соҳанинг, замонавий илм-фан ва техника-технологияларнинг ютуқларини акс эттириш;

соҳага доир атамалар луғатларини иллюстрациялар билан бойитиш;

луғатларга сўзларнинг талаффузини ўргатувчи аутентик аудиоматериалларни илова қилиш;

немис тилли давлатлардаги немис лексикографияси мутахассислари, жумладан немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча луғатлар шакллантириш билан шуғулланишда тажриба орттирган мутахассислар иштирокида илмий анжуманлар ташкил этиб, соҳадаги мавжуд муаммоларга ҳамкорликда ечимлар излаш ва ҳ.к.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат тил ўрганувчилар учун қулайлик яратади, балки ўзбек тили ва хорижий тиллар ўртасидаги ахборот алмашинувини келгусида янги босқичларга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Themen aktuell 1. Arbeitsbuch // Hueber Verlag, 2003.

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-yazykovogo-testirovaniya>
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-obucheniya-chteniyu-na-raznyh-urovnyah-posredstvom-raznyh-zadaniy>
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-osobennosti-prepodavaniya-inostrannogo-yazyka-s-ispolzovaniem-informatsionnyh-tehnologiy-v-sovremennyh-usloviyah>
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/vozmozhnosti-ispolzovaniya-iskusstvennogo-intellekta-dlya-povysheniya-motivatsii-studentov-k-izucheniyu-inostrannyh-yazykov-v-vuze>
5. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-metodiki-opredeleniya-urovnya-angliyskogo-yazyka>
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/kontrol-leksicheskikh-navykov-studentov-bakalavrov-v-protssesse-obucheniya-angliyskomu-yazyku>
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/issledovanie-potentsiala-tsifrovyyh-didakticheskikh-kartochek-dlya-izucheniya-leksiki>
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-kommunikativnoy-inoyazychnoy-kompetentsii-pri-obuchanii-angliyskomu-yazyku-na-rannem-etape-osobennosti-zapadnoy-i>
9. <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-ob-orientatsii-na-kompetentnostnyy-podhod-v-obuchanii-pri-opredelenii-struktury-i-soderzhaniya-uchebnogo-izdaniya>
10. <https://cyberleninka.ru/article/n/sopostavitelnyy-analiz-natsionalnyh-sistem-urovney-vladieniya-inostrannym-yazykom-v-aspekte-unifikatsii-i-variativnosti>
11. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-teksta-v-sovremennoy-lingvodidaktike-tekst-kak-osnova-razvitiya-yazykovykh-kompetentsiy>
12. <https://cyberleninka.ru/article/n/kontrol-leksicheskikh-navykov-studentov-bakalavrov-v-protssesse-obucheniya-angliyskomu-yazyku>
13. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoe-sostoyanie-izucheniya-inostrannyh-yazykov-v-respublike-uzbekistan-analiz-gosudarstvennyh-programm-i-uchebnikov>
14. <https://cyberleninka.ru/article/n/pragmatics-kompetentsiya-akademicheskij-diskurs>
15. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-otsenivaniya-dostizheniy-po-ovladienyu-inostrannym-yazykom-v-raznourovnevoy-gruppe>



+

16. <https://cyberleninka.ru/article/n/chto-znachit-ne-vhodit-v-leksicheskiy-minimum-podschet-protsenta-neznakomoy-leksiki-v-tekste-po-rki-s-uchetom-dostupnyh>
17. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-didakticheskikh-osnovah-obucheniya-inostrannomu-yazyku>
18. <https://cyberleninka.ru/article/n/fenomenologicheskie-harakteristiki-lingvisticheskoy-kontseptsii-leichte-sprache-v-sovremennom-nemetskom-yazyke>
19. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-multilingvodidaktika-genezis>
20. <https://cyberleninka.ru/article/n/sostavlenie-leksicheskikh-minimumov-po-temam-kak-effektivnyy-metod-razvitiya-professionalnoy-leksicheskoy-kompetentsii>
21. <https://cyberleninka.ru/article/n/leksicheskie-minimumy-po-russkomu-yazyku-kak-inostrannomu-problema-otbora-leksicheskikh-i-frazelogicheskikh-edinits>
22. <https://cyberleninka.ru/article/n/podhody-k-sostavleniyu-leksicheskikh-minimumov-v-rossii-i-zarubezhom-problemy-i-perspektivy>
23. <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologiya-formirovaniya-leksicheskikh-navykov-na-urokah-inostrannogo-yazyka>
24. <https://cyberleninka.ru/article/n/leksicheskiy-minimum-na-elementarnom-urovne-izucheniya-russkogo-yazyka-kak-inostrannogo>
25. <https://cyberleninka.ru/article/n/k-probleme-sostavleniya-professionalnogo-angloyazychnogo-slovyaya-minimuma>
26. <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-leksicheskogo-minimuma-bakalavrov-v-mgimo-universitete-na-primere-angliyskogo-yazyka>
27. <https://cyberleninka.ru/article/n/trudnosti-v-formirovanii-leksicheskikh-navykov-na-urokah-inostrannogo-yazyka>
28. <https://cyberleninka.ru/article/n/leksicheskiy-minimum-po-yazyku-spetsialnosti-skolko-slov-dostatochno-razrabotka-printsipov-minimizatsii>
29. <https://cyberleninka.ru/article/n/slovarnyy-minimum-i-ego-ispolzovanie-v-prakticheskom-kurse-russkogo-yazyka>
30. <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-aspekty-ispolzovaniya-form-samostoyatelnoy-raboty-dlya-obucheniya-yuridicheskoy-leksike-angliyskogo-yazyka-v>
31. <https://cyberleninka.ru/article/n/nuzhen-li-yazykovoy-kodeks>
32. <https://cyberleninka.ru/article/n/printsipy-otbora-slov-dlya-uchebnogo-freyma-s-uchyotom-lingvokulturnogo-komponenta>
33. <https://cyberleninka.ru/article/n/leksicheskaya-kompetentsiya-kak-yazykovaya-osnova-obucheniya-inostrannomu-yazyku>
34. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-leksicheskikh-edinits-v-formirovanii-aktivnogo-i-passivnogo-slovarnogo-zapasa-u-studentov-v-svete-kommunikativnogo-podhoda-pri>
35. <https://cyberleninka.ru/article/n/sostavlenie-profilya-polzovatelya-i-ego-vliyanie-na-slovarnuyu-statyu-dvuyazychnogo-uchebnogo-terminologicheskogo-slovyaya>

